

Абдурашид Аскарлов,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси таянч докторанти

САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙНИНГ БАЛОҒАТ ИЛМИ РИВОЖИДА ТУТГАН ЎРНИ

Араб тили жаҳон тиллари ичида энг кўп ўрганилган ва ҳануз ўрганилаётган тил бўлиб, у луғат бойлиги, қоидаларининг хилма-хиллиги, бир сўзни бир неча услубда ишлатиш имкониятларининг кўплиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, араб тили шевалари турига кўра дунёда юкори ўринни эгаллайди. Араб тили Қуръони карим тили, Пайғамбаримиз (с.а.в.) тиллари бўлгани учун ҳам уни ўрганиш йўллари саҳобаи киромлар давридаёқ ишлаб чиқилган. Араб тилини ўрганиш учун бошқа тиллардаги каби лексика, морфология, синтаксис, грамматика, яъни сарф ва наҳв илмлари атрофлича ўрганилади. Шу билан бирга араб тилида мукамал гаплашиш ва тушуниш учун балоғат фани, унинг таркибидаги маоний, баён, бадий каби илмларни чуқур ва батафсил ўрганиш, унинг қонун-қоидаларини яхши билиш талаб этилади.

Балоғат илмини ўрганиш орқали Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар маъноларини тўғри тушуниш ва нозикликларини теран англаш осон кечади ҳамда Қуръони каримнинг фасоҳат ва балоғат эътиборидан иъжози мислсиз экани намоён бўлади. Шу боис, олимлар Қуръони карим тафсири, ҳадиси шарифлар шарҳи ва шариат китобларини ўрганмоқчи бўлган кишига луғат, сарф, наҳв, усулу-л-фикх, усу-

лу-д-дин, қироат илми, носих ва мансук илмлари билан бир қаторда маоний, баён, бадий каби илмларни ҳам пухта ўрганишлари лозимлигини таъкидлайдилар. Шунингдек, мумтоз адабиётимиз дурдоналари ҳисобланган шеър ва ғазалларда ҳам мажоз, ташбеҳ, истиора, киноя каби балоғат воситаларидан кенг фойдаланилган. Демак, буюк аждодларимиздан қолган бой адабий меросни тўғри ва чуқур ўрганиб, бошқаларга ҳам етказишимизда балоғат илми катта аҳамият касб этади.

Бу илм бошқа фанлардан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Зеро, унинг луғат сир-асрорларини очишда ва ҳазиналарини намоён этишда бетакрор ўрни ва услублари бор. Шунинг учун ҳам у тилнинг нозик жиҳатларини ўрганишда бебаҳо ва беқиёсдир.

Шу билан бирга, бу илм тил мусобақалари ва суҳандонлик беллашувларида олий мукофотни қўлга киритиш усулларини чуқур ўргатади. Бу илм орқали ақлларни лол қолдирувчи жумлалар тузиш, ҳолат тақозосига мувофиқ тарзда сўзлаш, бир сўзни турли маъноларда нуксонсиз ишлатиш малакалари ривожлантирилади. Кўнгилдаги мақсадни чуқурроқ, кенг-роқ ва тушунарли ҳолатда баён қилиш тажрибаси ортади. Бу эса балоғат илмига эҳтиёж нақадар кучли эканини билдиради.

Таъкидланганидек, балоғат илми бир-бирини тўлдирувчи учта илм: илми маоний, илми баён ва илми бадийдан таркиб топган. Илми маонийда арабий лафзларнинг ишлатилиш усуллари ва баъзи сўзларнинг аҳамияти ҳақида баҳс юритилади. Илми баён керакли мақсадни ифодалаш ва етказишда, унинг таъсирини оширишда сўзларнинг ҳақиқий ва кўчма маъноларидан фойдаланиш усуллари ўргатади. Илми бадий мақсадни нутқ орқали ифодалашда сўзларни илми маоний ва баёндан фойдаланган ҳолда бадий воситалар орқали бир-бирига уйғун қилиб келтириш усуллари ҳақида баҳс юритади.

Балоғат фани бўйича хижрий II асрдан бошлаб китоблар битила бошлангани маълум. Илми баён ҳақида ёзилган дастлабки асар Абу Убайда Маъмар ибн ал-Мусанний ал-Басрийнинг «Мажозул-Қуръон» китоби бўлиб, у илми баённинг илм сифатида шаклланишига асос бўлди. Абу Убайда аллома Халил ибн Аҳмаднинг шогирди бўлиб, 206 хижрий санада вафот этган. У Сибавайҳининг устозидир¹.

Илми маоний ҳақида биринчи бўлиб қалам тебратган олим ким эканлиги маълум эмас. Бу борада кўплаб муаллифларнинг асарлари мавжуд. Лекин услубда ягона бўлган, адиблар сардори дея танилган Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жохизнинг (вафоти 255 хижрийда) «ал-Баён ва-т-табйин» ҳамда «Иъжозул-Қуръон» номли китоблари улар орасида алоҳида ажралиб туради. У кишидан кейин Абу Аббос ал-Мубаррад «ал-Комил» асари билан, Ибн Қутайба «аш-Шеър ва-ш-шуаро» китоби билан бу фанга ўз хиссаларини қўшдилар.

Балоғатнинг бадий илми бўйича биринчи бўлиб асар ёзган олим халифа Абдуллоҳ ибн ал-Муътаз ибн ал-Мутаваккил ал-Аббосийдир (в. 296 х.). У гап беазаги, яъни бадий тасвир воситаларини чуқур ўрганиб, улардан ўн еттитасини ўзининг «ал-Бадий» асарида кел-

тириб ўтади. Кейинги асрларда бу илм ривожлантирилди. «Ас-Санъатайн» асари соҳиби Абу Ҳилол ал-Аскарый, «ал-Умда» соҳиби ибн Рашиқ, муфассирлар устози, «ал-Кашшоф» асари соҳиби Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий ва бошқалар шу йўлда хизмат қилдилар. Балоғат илми ривожига Абдулқоҳир ибн Абдуррахмон ал-Журжоний (в.471 х.) ўзининг «Далоилул-иъжоз» ва «Асрорул-балоға», у кишидан кейин Абу Яъқуб Юсуф ас-Саккокий (в. 626 х.). «Мифтоҳул-улум», Қазвиний «Ат-талхис» асарлари билан катта ҳисса қўшдилар. Хижрий VIII асрга келиб улуг аллома, араб тили, маоний, баён, бадий, калом, усул ва мантиқ илмлари пешвоси Саъдуддин Тафтазоний балоғат илмига оид асарлар яратди.

Саъдуддин Тафтазонийнинг тўлиқ исми Масъуд ибн Умар ибн Абдуллоҳ Саъдуддин ат-Тафтазоний бўлиб, жуда кўп илмларда пешво олим бўлган ва турли соҳаларда асарлар таълиф этган.

Ибн Халдун номи билан машҳур бўлган тарихчи Қози Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Ҳадрабий ўзининг “Муқаддима” асаридаги “Ақлий илмлар ва уларнинг таснифи” номли фаслида ушбу илмлар ҳақида маълумот бериш асносида қуйидагиларни айтиб ўтади:

“Мисрда ақлий илмларга оид бир қанча китобларга дуч келдим. Уларнинг эгаси Ҳуросоннинг Ҳиротдаги улугларидан бўлиб, Саъдуддин Тафтазоний деб танилган. Унинг калом илми, усули фикҳ ва баён илмига оид асарлари бу соҳаларда юқори малакаси борлигини айтиб турибди”².

Шунингдек, машҳур олим Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Ҳажар ал-Асқалоний ўзининг «Ад-дурару-л-камина фи аъяни-л-миати-с-самина» номли китобида қуйидагиларни ёзади:

“...У (Саъдуддин Тафтазоний) нафақат Шарқда, балки бошқа юртларда ҳам балоғат

¹ Тариху улуми-л-балаға ва-т-таъриф би-рижахи. Аҳмад Мустафо ал-Мароғий. Миср. 1950. 24 С.

² Муқаддима. Ибн Халдун ал-Ҳадрабий. Байрут. 3-жилд. 1957. – С. 1101.

ва ақлий илмларда шухрат қозонган эди. Бу илмларни билиш ва англаида у беназир эди”³.

Саъдуддин Тафтазонийнинг тўлиқ исми Масъуд ибн Умар ибн Абдуллоҳ бўлиб, у ҳижрий 722 йил сафар ойи, милодий 1322 йилда Хуросоннинг Насо шаҳридаги Тафтазон қишлоғида туғилган⁴. У ёшлигиданоқ илм олишга катта қизиқиш билан қараб, ўз даврининг илм ўчоғлари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Сарахс, Насо каби шаҳарларда бўлиб, таниқли олимлар қўлида таҳсил олган ва турли илмий анжуманларда бевосита иштирок этган.

Олим тафсир, фикҳ, калом, наҳв, балогат ва мантиқ каби соҳаларни пухта ўзлаштириб, шу соҳаларда кўплаб китоблар тасниф қилган. Саъдуддин Тафтазоний ислом оламида энг ёш китоб ёзган олимлар сирасига киради. Зеро, у ўн олти ёшидаёқ араб тили грамматикасига оид “Шарху-т-тасрифу-л-иззий” номли асарни ёзиб тугатган⁵. Маълумотларга қараганда, унинг илмий-маънавий меросига тегишли асарларнинг сони ўттиздан ортиқни ташкил қилади. Улардан машҳурлари:

Тафсир илмига оид:

Аллома Маҳмуд Замахшарийнинг “Тафсиру-л-кашшоф” тафсирига ёзилган ҳошия “Талхийсу-л-кашшоф”⁶.

³ Ад-дурару-л-камина фи аъяни-л-миати-с-самина. Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Ҳайдаробод. 5-жилд. 1983. – С. 120.

⁴ Тафтазонийнинг таржimai ҳоли ва илмий ижоди бўйича қаранг: Суютий. Буғъату-л-виёот. – Б. 391; Ибн Имод. Шазароту-з-заҳаб. Ж. VI. – Б. 319-332; Тошкўпризода. Мифтаху-с-саода. Ж. I. – Б. 164-167; Бағдодий. Ҳадияту-л-орифийн. Ж. II. – Б. 429-430; Аҳмад Шантовий. Доирату-л-маорифи-л-исломия. Ж. V. – Б. 339-346; Прозоров С. М. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – Б. 235.

⁵ Аҳмад Шантовий. Доирату-л-маъорифи-л-исломия. – Ж. V. – Б. 339.

⁶ Саъдуддин Тафтазоний Замахшарийнинг “Кашшоф” асарига ҳошия ёзган. Ҳожи Халифа: “Ушбу асар “Кашшоф” шарҳига таълиқ қилиб ёзилган” деб, таъкидлаган. Тафтазоний ушбу асарни 789/1387 йили Самарқандда ёзишни бошлаган, лекин охирига отказа олмаган. Ушбу асар “Бақара” сурасидан “Хул” сурасигача ва “Зумар” сурасидан “Талок” сурасигача бўлган сураларни ўз ичига қамраб олган. Асар Британия музейида ва Ҳиндистон кутубхоналаридан бирида сақланади.

1. “Кашфу-л-асрор ва иддату-л-аброр” фи тафсири-л-Қуръон⁷.

Ҳадис илмига оид:

2. Арбаъун фи-л-ҳадис.
3. Рисолату-л-икроҳ.

Фикҳ илмига оид:

1. Фатово ал-ҳанафия.
2. Шарҳ фароизи-с-Сижовандий.
3. Ал-Мифтоҳ фи фуруъи-л-фикҳи-ш-Шофий⁸.
4. Ихтисору шарҳи талхису-л-жомеи-л-кабир.

Усулу-л-фикҳ илмига оид:

1. Талвих фи кашф ҳақоики-т-танқиҳ⁹.
2. Шарҳу-л-мухтасар ала китоб мунтаҳо-с-савол ва-л-амал фи илмайи-л-усул ва-л-жадал.
3. Ниъаму-с-савобиғ фи шарҳи-л-калими-н-навобиғ¹⁰.

Мантиқ илмига оид:

1. “Таҳзибу-л-мантиқ ва-л-калом”¹¹.
2. “Шарҳу-р-рисола аш-шамсия”¹².

Калом илмига оид:

1. “Ал-мақосид фи илми-л-калом”¹³ (Шарҳ ал-мақосид) ёки “Шарҳу-ш-шарҳ”.
2. “Шарҳу-л-ақоиди-н-Насафия”¹⁴.

⁷ Ушбу асар Қуръони каримга ёзилган форсча шарҳдир.

⁸ Ушбу асар шофий мазҳабида ёзилган бўлиши билан бир қаторда, асарда ҳанафий мазҳабида доир фатволар мажмуаси ҳам тўпланган.

⁹ Саъдуддин Тафтазоний ушбу асарни Гулистонда 758/1357 йили ёзиб тугатган. Асар Дехли, Лакхун каби шаҳарларда 1267/1851, 1281/1864 йилларда нашр қилинган.

¹⁰ Замахшарийнинг “Захира” асарига ёзилган шарҳ.

¹¹ Асар 789/1387 йили ёзиб тугатилган. Ҳожи Халифа ушбу асарни мухтасар асар эканлигини таъкидлаган. Асар Калкуттада 1243/1827 йили, Лакхунда 1869, 1288/1871, 1293/1876 йиллар оралиғида қайта-қайта нашр қилинган.

¹² Тафтазоний ушбу асарни Нажмуддин Али ибн Умар Қазвиний Катибийнинг мантиқ соҳасида ёзган рисоласига шарҳ сифатида ёзган. Ушбу асар Лакхунда 1326/1905 йили нашр қилинган.

¹³ Бу асар 1383 йили Самарқандда ёзиб тугатилган.

¹⁴ Саъдуддин Тафтазоний Абу Ҳафс Умар Насафийнинг “Ақоиду-н-Насафий” асарига ёзган “Шарҳу-л-ақоиди-н-Насафия” асари 768/1367 йили Хоразмда ёзилган.

3. “Ар-Радд ала Зиндиқа ибн Арабий” кабилардир¹⁵.

Кўриниб турибдики, Саъдуддин Тафтазоний деярли барча фан соҳаларига оид қимматли асарлар ёзиб қолдирган. Уларнинг ҳар бири неча-неча илмий тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилади.

Наҳв илми (араб тили грамматикаси)га оид:

1. Шарҳу-т-тасрифу-л-иззий¹⁶.
2. Иршоду-л-Ҳодий¹⁷.

Балоғат илмига оид:

“Аш-Шарҳ ал-мутававал ала талхис ал-мифтах”. “Мутававал” деб ном қозонган бу асар Қазвинийнинг “Талхис ал-мифтах” асарига ёзилган шарҳ бўлиб, “Талхис” асарининг ўзи эса хоразмлик аллома Юсуф Саккокийнинг “Мифтах ал-улум” асарининг учинчи қисмига ёзилган шарҳ ҳисобланади. Саъдуддин Тафтазоний “Мутававал”ини йигирма ёшларида Хоразмда бошлаб, 6 йилдан сўнг ҳижрий 748 йилда Ҳиротда ёзиб тугатади. Айтишларича, Амир Темур ушбу асарни Ҳирот қалъасининг дарвозасига осдириб қўйган. Китоб машҳур бўлиб, қўлёзма нусхалари кўпайиб, тошбосма шаклида ҳам кўп бора нашр қилинади.

“Аш-шарҳ ал-мухтасар ала талхис ал-мифтоҳ”. Саъдуддин Тафтазоний кейинчалик аллома Юсуф Саккокийнинг “Мифтах ал-улум” асарининг араб тили балоғат илмига оид учинчи қисмига шарҳ битади. Бу асар “Мухтасар ал-маъон” номи билан машҳур бўлиб, уни ҳижрий 756 йилда Бухорода ёзиб

тугатади. Бу асар кўплаб олийгоҳларда, жумладан, Мисрнинг “ал-Азҳар” дорулфунунида балоғат фанидан таълим учун асос бўлиб келмоқда. Кўпчилик олимлар бу асар билан қизиқиб, унга хошиялар ёзганлар.

“Шарҳ ал-қисм ас-салис мин мифтах ал-улум”. Саъдуддин Тафтазоний араб тили балоғатига оид ушбу асарини ҳижрий 789 йил шаввол ойида Самарқандда ёзиб тугатади. Бу асар Юсуф Саккокийнинг “Мифтах ал-улум” асарининг учинчи қисмига қилинган бевосита шарҳ ҳисобланади. Ушбу асар ҳозирги кунгача чоп этилмаган бўлиб, қўлёзма нусхаси Шарқ-шунослик қўлёзмалар институтида 9035 рақами остида сақланади.

Саъдуддин Тафтазоний ҳаёти давомида илм билан шуғулланиб, жуда катта муҳаққик олим бўлган. Унинг асарлари кейинги даврларда “ал-Азҳар” университети каби дунёга машҳур олий ўқув муассасаларида ўз соҳаси бўйича дарслик сифатида фойдаланиб келинган. Саъдуддин Тафтазоний ҳижрий 792 йил Самарқандда вафот этган¹⁸.

Саъдуддин Тафтазонийнинг тафсир, фикҳ, калом, араб тили наҳви, балоғат ва мантиққа оид асарларини тадқиқ этиб, олим томонидан қолдирилган илмий маънавий меросни англаш, уларни чуқур ва батафсил ўрганиш аجدодлари буюк бўлган янги авлодни ҳар томонлама етук, дунёкараши кенг, илму маърифатли, билимли муносиб ёш авлод сифатида тарбиялашда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Шунингдек, балоғат илмини билиш ва уни яхши эгаллаш ҳозирги глобаллашув даврида Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларда келган нозик тушунчаларни чуқур ва теран англашда, тафсир ва шарҳ қилишда, ақида, фикҳ, тасаввуфга оид аждодларимиздан бизгача етиб келган маънавий меросни ўрганиб, уни юртимизнинг келажаги бўлган ёш авлодга етказиш, уларнинг маънавиятини юксалтиришда ўзига хос калит вазифасини бажаради.

¹⁵ Хайруддин Зириклий. Ал-Аълом. – Байрут: Дору-л-улум ли-л-малайин, 1998. Ж. VII. – Б. 319, Аҳмад Шантовий. Доирату-л-маъорифи-л-исломия. Ж. V. – Б. 339-346.

¹⁶ Ушбу асар Саъдуддин Абдулваҳҳоб Иброҳим аз-Занжонийнинг “Занжоний” асарига ёзилган шарҳ бўлиб, асар Константинополда 1253/1837, Техронда 1280/1884 (мажмуа таркибида), Дехлида Аҳмад ибн Шох Гулнинг “Мифтах ас-саъода” асари билан биргаликда 1289/1872, 1295/1878, Қоҳирада 1307/1889 йилларда нашр қилинган.

¹⁷ Ҳожи Халифанинг таъкидлашича, Тафтазоний ушбу асарни ўғлига атаб Хоразмда 774/1372 йили ёзиб тугатган. Асарга Муҳаммад ибн Али ал-Журжоний, Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорийлар шарҳ ёзишган.

¹⁸ Кашфу-з-зунун ан асамии ли кутуб ва-л-фунун. Мустафо ибн Абдуллоҳ Ҳожи Халифа. 1 жилд. – Дамашк, 1994. – С. 516.